

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ

УЛАРДАН ЭЗГУЛИК ҚОЛДИ

Методик-библиографик қўлланма

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2009

Илмий-методика бўлими томонидан тайёрланди

Тузувчи	<i>М.Матмурадова</i>
Мухаррир	<i>Ж.Пардаев</i>
Масъул муҳаррир	<i>Ш.Қурбон</i>
Матн терувчи	<i>З.Жалилова</i>

Улардан эзгулик қолди: “31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни” муносабати билан: Метод.-библиогр.қўлл. / Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси; Тузувчи М.Матмурадова; Мухаррир Ж.Пардаев; Масъул муҳаррир Ш.Қурбон. -Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2009. - 44 б.

Қатагон йилларининг қонли зулми боис Ватанимиз озодлиги йўлида қанчадан-қанча ватандошларимиз ноҳақ қамалган.

Улар ўзбек халқининг фаровон ҳаёти учун ўз жонини фидо қилганлар.

“31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни”га бағишланган мазкур методик-библиографик қўлланма улар ҳаёти ва фаолиятини, ижодини, улар ҳақидаги илмий асарларни чуқур ўрганишни тарғиб қилишда кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимларига ёрдам бериш мақсадида тузилган. Қўлланмада мутахассислар ўтказиши мумкин бўлган тадбирлар туркуми ҳақида маълумотлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида

Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларида қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

Халқимизнинг ана шундай минг-минглаб фидойи ва матонатли ўғил-қизлари хотирасини эслаш, ҳақиқат ва адолатни тиклаш, замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалби ва онгида ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини тарбиялаш мақсадида:

1. “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси фаоллари, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчилик вакилларининг мамлакатимизда Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қатағон қурбонларини ёд этиш маросими ҳар йили 31 август куни — Мустақиллик байрами арафасида пойтахтимизда Тошкент шаҳридаги “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуида ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

3. Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик кенгаши, “Шаҳидлар хотираси”, “Нуроний” жамғармалари, Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси ва ижодий уюшмаларга бир ой муддатда Қатағон қурбонларини ёд этиш куни билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилсин.

4. Бу йил мамлакатимизда илк бор ўтказиладиган Қатағон қур-

бонларини ёд этиш кунига пухта тайёргарлик кўриш ва маросимни юксак даражада ташкил этиш мақсадида тузилган комиссия таркиби тасдиқлансин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли идора ва ташкилотлар билан биргаликда “Қатағон қурбонлари хотираси” музейини ташкил этиш, “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуини сайёҳлик йўналишлари рўйхатига киритиш, зиёратгоҳ ҳудудини янада ободонлаштириш ва бу ерда махсус радиолаштириш тизимини жорий қилиш масаласини ҳал этсин.

6. Ўзтелерадиокомпания, ЎЗА ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қатағон қурбонларини ёд этиш кунининг маъно-мазмунини ва тарбиявий аҳамиятини кенг тарғиб қилиш тавсия этилсин.

7. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.Каримов

Тошкент шаҳри,
2001 йил 1 май

МУҚАДДИМА

Улар... минглаб, балки милён эдилар,
Яшашга туғилган инсон эдилар,
Ширин жон эдилар, иймон эдилар,
Бу жаҳон уйига меҳмон эдилар,
Ҳали ушалмаган армон эдилар.

Жуманиёз Жабборов

Президентимиз ўз нутқларининг бирида шундай деган эди: “Мустақиллик пойдеворида, халқимизнинг бошига тушган оғир кунларда қатағонларга учраб, гуноҳсиз қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас фарзандлар тамал тошларини қўйган. Шунинг учун ҳам мустақиллик замонида халқимиз хотирасидан атайлаб ўчирилган мўътабар инсонларнинг номлари бирин-кетин тикланыпти”.

Мустақиллик туфайли Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш борасида савоб ишларга йўл очилди. Мамлакатимиз ҳукумати, шахсан Президентимиз Ислом Каримов истиқлол жонқуярларининг топталган тақдирига доимо эътибор бериб келаётганлиги нур устига аъло нур бўлмоқда. Бу борадаги Ўзбекистон Президентининг Фармойиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига биноан мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга маҳкум этилган ватандошларимизнинг исм-шарифи аниқланган ҳолда, таржимаи ҳоли, фаолияти ўрганилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда сўнгги йилларда қатағон қилинган юртдошларимиз фаолияти, уларнинг жожиали қисматини ёритувчи кўплаб тадқиқотлар яратилди. Бу тадқиқотларни яратишга бир қатор тарихчи, адабиётшунос, файласуф олимларимиз катта ҳисса қўшишди.

Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Боту каби адибларимизнинг асарлари қайта-қайта нашр этилиб ўз китобхонларига қайтарилди.

Шунингдек, “Истиқлол фидойилари” туркумида мустамлакачилик даври қурбонларининг илмий-ижодий мероси, улар ҳақидаги тадқиқотлар, Ватанимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган инсон-

ларнинг ибратли ҳаётидан ҳикоя қилувчи хотиралар, ёдномалар, ривоятлар, эсдаликлар ва бадиий асарлар чоп этилди.

Ушбу нашрлар кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари каталог ва картотекаларида ҳамда электрон каталогларда ўз аксини топган.

Бу борада кутубхоналар, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг вазифаси китобхонлар эътиборини қатағон қурбонларининг ҳаёти ва фаолияти, улар яратган асарларга ҳамда олимларимиз, адабиётшунослар, тарихчилар, файласуфлар томонидан яратилган нашрларга жалб этиш ва кенг тарғиб қилишда тарғиботни китоб тақдимоти, илмий-амалий конференция, китобхонлар конференцияси, учрашув кечаси, билимдонлар беллашуви, давра суҳбати, савол-жавоб кечаси, хотира соати, китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори сингари турли хил шакл ва усуллардан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу қўлланма кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида “Қатағон қурбонлари” тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш ва тарғиб қилишда “31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни” муносабати билан талбир ўтказишда мутахассисларга ёрдам бериш мақсадида тайёрланди.

Аждодлар хотираси — муқаддас

Жаҳон тарихи одамзод ўзи яшаб турган маконда ёвузлик, жиноий ҳаракатлар ижод этганига шаҳиддир. Француз олими Лайнус Полингга ўзининг “Ҳеч қандай уруш бўлмасин” номли асарида Ер юзиде кейинги 5,5 минг йил давомида 14 500 та катта ва кичик урушлар бўлиб, уларда 4 миллиардга яқин одам ҳалок бўлган, бу бундан бир неча ўн йил олдин ер курашида яшаётган одамлар миқдорига тенгдир”, деб ёзган эди.

Ҳарбий ҳаракатлар юз бериши ва юз бермаслигидан қатъий назар, турли мамлакатларнинг у ёки бу ҳудудида қотилликлар, портлашлар, ёнғинлар, заҳарланишлар, одамларни ўғирлаш ва бошқа ҳаракатлар юзага келган ва ҳозирда ҳам содир бўлмоқда.

Октябрь тўнтариши оқибатида Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустамлакачи Советлар тузуми биринчи кундан бошлаб ҳалқимиз бошига сон-саноксиз қирғинлар, даҳшатли ва аламли кулфатлар олиб келди. Ушбу даҳшатли режимни ўлкамиз халқлари қабул қилмадилар. Улар истқлол учун, эрк ва миллий-озодлик учун 16 йил

мобайнида қуролли кураш олиб бордилар. Бу кураш давомида, айрим хориждаги муаррихлар ҳисобича, 1 миллион 900 минг ватандошимиз Туркистондан бош олиб, хорижий мамлакатларга чиқиб кетди ва 1 миллион 700 минг юртдошимиз Сибирга, Узоқ Шимолга, Украинага, Шимолий Кавказга, Уралга, Қозоғистонга, Узоқ Шарққа, Кавказга, Волгабўйи районларига бадарга қилинди.

Тарих фанлари доктори Н.Петров, тарихчи А.Виноградов берган маълумотларига кўра “катта террор”нинг 1937 йил 30 июлдан бошлаб 1938 йил ноябрга қадар давом этганлиги айтиб ўтилган. Шу вақт ичида 1,5 миллион киши қамоққа олинган, шундан 700 мингги отиб юборилган. “Катта террор”нинг қаҳрли тиги жамият аъзоларининг барча тоифаларини ўз домига тортган. Айниқса, аҳолининг қуйи табақасидагилар кўп жабр-зулм кўрганлар.

НКВДнинг 00486-сонли буйруғи бўйича 1938-1946 йилларда Қарағандадаги “Алжир” лагерида “Ватан хоинларининг оила аъзолари”дан 6500 аёл жазони ўтаган. Халқ душмани тамғаси билан қатагон бўлганларнинг фарзандлари махсус болалар муассасаларида сақланган. 1937 йил 15 августдан 1939 йил январигача Иттифоқ бўйича 25 342 бола оиласидан ажратиб олинган, улардан 22 427 нафари Халқ маорифи комиссарлиги ҳудудидаги болалар уйлари ва маҳаллий боғчаларга тарқатиб юборилган, шундан 1909 нафари Москвада бўлган, 2915 нафари бошқаларга боқиш учун оилаларга қайтариб берилган. Бу болаларнинг ёши 15 гача бўлган.

Қарағанда лагеридаги маҳбус аёллар жазо муддатини ўтаётганларида 1507 нафар фарзанд кўрганлар, бу болалар кўпинча севги асосида эмас, зўрлик асосида дунёга келганлар.

Юқорида қайд этилган шундай фожиалар Ўзбекистонда яшаётган аҳолининг ҳам бошига тушган эди. Айни шу мавзуга тўхталиб Президентимиз Ислом Каримов “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида бу хусусда шундай деган эди: “Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди. Айниқса, машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатагонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя”.

Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди. Шу даврда қанча-қанча одамлар ўз

оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини инобатга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожианинг миқёси янада яққол намоён бўлади.

Ислом Каримов яна шундай деб айтганди: “Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизнинг алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз”.

Буюк истиқлолимизнинг дастлабки вақтларидан Ислом Каримов Совет режими даврида “асоссиз тарзда қатағон қилинган кишиларнинг ор-номуси, қадр-қиммати, покиза номини тиклашни” биринчи галдаги вазифа деб билди. Мана, 17 йилдирки, ана шу вазифа ҳаётимизда, воқелигимизда тўла-тўқис, бекаму кўст бажарилиб келинмоқда.

Бу борада Президентимизнинг 1999 йил 12 майдаги Ф-999-сонли Фармойиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўша йили 22 июлда эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида” Қарор қабул қилди. Юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватанпарварларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш мақсадида мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича республика ташкилий қўмитаси тузилди ва унинг таркиби тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2001 йил 1 майда “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Унга мувофиқ ҳар йили 31 август куни “Қатағон қурбонларини ёд этиш куни” қилиб белгиланди. Шундан бери бу кун ҳар йили нишонланмоқда.

Фармонда “Қатағон қурбонлари хотира музейи”ни ташкил этиш ҳам кўрсатилган эди. Шу фармон асосида Тошкент шаҳрида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Шунингдек, “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи ташкил этилди. Музей Ва-

зирлар Маҳкамасининг 2002 йил 8 ноябрда қабул қилинган 387-сонли Қарори бўйича Ўзбекистон Фанлар академияси тизимида ўтказилиб, унга илмий муассаса мақоми берилган.

Музей экспозицияси қуйидаги етти бўлимдан иборат: “XIX аср ўрталаридаги тарихий шароит ва Туркистоннинг босиб олиниши”, “Туркистон мухториятининг тугатилиши ва советлар қатағон сиёсатининг бошланиши”, “Қулоқлаштириш компанияси”, “30-йиллардаги қатағон”, “40-50 йиллардаги қатағон”, “Пахта иши”, “Мустақил Ўзбекистонда қатағон қурбонлари хотирасининг эъзозланиши”.

Музейнинг асосий вазифалари қуйидагилар: қатағончилик сиёсатининг пайдо бўлиш сабаблари ва оқибатларини тадқиқ этиш ва уни мамлакатимиз тарихининг таркибий қисми сифатида акс эттириш; мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса ёш авлодни мустақиллик ва адолат тантанаси учун курашган фидойи ота-боболаримизнинг хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялаш; қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, уларни ёд этиш билан боғлиқ маънавий-маърифий тадбирларни амалга ошириш ва тарғиб этиш; қатағон қурбонлари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш; илмий-ижодий меросини тўплаш, нашрга тайёрлаш ва чоп этиш; музей фондлари ва экспозицияларини мамлакатимиз ҳамда хориждаги турли ҳужжатлар ва бошқа экспонатлар билан мунтазам равишда бойитиб юбориш. Музей “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда Н.Каримовнинг “Чўлпон” илмий-маърифий романи, “Ҳидоят Иноятов” рисоласи, Р.Шамсутдиновнинг “Қишлоқ фожиаси” монографияси, “Қатағон қурбонлари”, М.Қодировнинг “Иброҳим Даврон” рисоласи, М.Мирвалиевнинг “Абдулла Қодирий” рисоласи, С.Аҳмедов томонидан нашрга тайёрланган Мунаввар Қори Абдурашидхоновнинг “Танланган асарлари”, Ботунинг “Танланган асарлари”ни нашр этган. Шунингдек, “Ўзбектелефильм” студияси билан ҳамкорликда “Убайдулла Хўжаев” ҳужжатли фильми, “Қатағон қурбонлари хотираси музейи” видеофильми, “Барҳаёт хотира”, “Армонли йиллар кўзгуси”, “Фидойи олим”, “Миртемир” сингари ҳужжатли фильмлар яратган.

Қатағон қурбонлари ҳақида қатор китоблар, хотиралар ҳам яратилган. Бу ўринда М.Маҳмудов, Шерали Турдиев, Набижон Боқий, Ислом Усмонов, Файзулла Қиличев, Наим Каримов, Ислом Турсунов, Хайдарали Узоқов, Нусратулла Наимов, Холида Аҳророва ва бошқаларнинг янги илмий тадқиқотларини алоҳида қайд этиш жоиздир.

30-50 йилларда сиёсий қатағонга учраган аждодларимизнинг ном-

ларини абадийлаштириш, Абдулла Қодирий, Фитрат ва Чўлпонга ўзбек адабиёти ва маданиятини ривожлантиришдаги улуғвор ишлари учун Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофотини бериш, Абдулла Қодирий ва Чўлпонни “Мустақиллик” ордени билан (вафотидан кейин) тақдирлаш ҳақидаги ҳужжатларга имзо чекилди.

Қатағон қурбонлари тўғрисида китоблар, мақолалар, фильмлар ва телекўрсатувлар яратиш давом этмоқда.

Қатағон қурбонлари ҳақида

“Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Мустабид тузум даврида миллион-миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида” ги фармонидан)

Президент Ислом Каримовнинг Қатағон қурбонлари ҳақида айтганлари

Одамларнинг юрагида мудҳиш из қолдирган қатағон йилларида бу кўримсиз жарлик — Алвасти кўприк деб совуқ ном олган, инсон қалбига қўрқув соладиган бу қаровсиз жойда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб ташланган.

* * *

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

* * *

Айниқса, машғум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя.

* * *

Инсоний қадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди.

* * *

Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини инобатга олсак, халқимиз бошига тушган бу фожеанинг миқёси янада яққол намоён бўлади.

* * *

Биз бугун шу табаррук зиёратгоҳда туриб озод ва эркин Ватан учун жон берган шаҳидлар руҳи олдида бош эгиб, уларга ўз ҳурмат-эҳтиромимизни бажо этамиз.

* * *

Бу зиёратгоҳни биз қатағон қурбони бўлган, жисми олис-олис-ларда қолиб кетган Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Усмон Носир, Убайдулло Хўжаев, Саид Аҳрорий, Боту, Исҳоқхон Ибрат, Элбек сингари юзлаб юртдошларимизнинг ҳам рамзий мозори сифатида қабул қилмоғимиз керак, деб ўйлайман.

* * *

Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чирқираб ётган руҳи поклари бугун барчамиздан, эзгу ишларимиздан рози бўлиб, ором топган бўлса, ажаб эмас.

* * *

Қатағон йилларида қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида ўз инсоний бурчимизни бажо келтириб, шу муборак жума тонгида қилган барча дуои фотиҳаларимиз, илоё, ижобат бўлсин.

* * *

Бебаҳо ва буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, барча хайрли ишларга доимо тайёр, қалбида меҳр-оқибат туйғуси ҳеч қачон сўнмайдиган, озодлик йўлида жон берган фарзандларнинг табаррук номларини ўз хотирасида ҳамиша сақлаб келадиган, бағри кенг, виждони уйғоқ халқимиз асло кам бўлмайди.

* * *

Мустақиллик пойдеворида халқимизнинг бошига тушган оғир кунларда қатағонларга учраб, гуноҳсиз қурбон бўлган минглаб забардаст, унутилмас фарзандлари тамал тошларини қўйган. Шунинг учун ҳам мустабидлик замонида халқимиз хотирасидан атайлаб ўчирилган мўътабар инсонларнинг номлари бирин-кетин тикланипти. Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат ва Усмон Носир каби Ватанимиз, миллатимиз озодлиги йўлида шаҳид кетган ўнлаб сиймоларнинг маънавий мерослари бугун халқимиз бисотида қайтмоқда.

“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлиги ва қатағон қурбонлари ҳақида

Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси ва сазой-ҳаракати билан барпо этилган “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида иштирок этар эканман, шоир Чўлпоннинг қуйидаги сатрлари ҳаёлимдан ўтади:

Йўқ, ўлим йўқдир!

Ёлғиз бир ўчиб... бир сўниш бордир!

Бир ўчиб сўниб... яна ёниш бор,

Яна баҳорлар, яна лолалар,

Яна сиз, эй эркин далалар!

Ватан ва халқ озодлиги, бахт-саодати йўлида шаҳид кетган аж-доқларимиз учун ўлим йўқ. Уларнинг хотираси халқимиз ёдида ҳамиша яшайди.

Н.Каримов

Мен “Шаҳидлар хотираси” зиёратгоҳига келар эканман, вужу-димни икки хил ҳис-туйғу қамраб олди: бири мустабид тузум дав-ридаги зўравонлик, адолатсизлик, хўрлик, қабиҳлик, алам ва изти-роб бўлса, иккинчиси Ватанимизнинг истиқлоли, халқимиз эрки, озодлигининг шукронасидир.

Р.Абдуғаниева

“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг бунёд этилиши фи-дойи аждодларга мардлик ва жонқуярлик билан кўрсатилган халқ ҳиммати намунаси, деб биламан. Бу зиёратгоҳ инсон туйғуларини она юртга боғлаб туради. Бугунги ёруғ кунларга етиб келмаган, шу йўлда фидо бўлган собит ва оловқалб оталар жасоратини ёдга сола-ди, Ватан ва озодликнинг қадр-қимматини англаатади.

С.Кароматиллахўжаев

Юрт озодлиги йўлида очилмай сўлган миллий сиймолар руҳини шод этиб, армону ҳавасларини рўёбга чиқариш, уларнинг номлари-ни авлодлар хотирасига муҳрлаш улкан саодатдир. Номи ўчмас қаҳра-монларимиз Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирийларнинг номлари ва асарлари, Ватан озодлиги йўлида кўрсатган фидойилик-лари ёшларимизга ҳамиша ибрат бўлмоғи керак.

Х.Ахророва

Шаҳидлар хотирасига бағишланган ёдгорлик юртимизнинг ҳар бир вакили учун энг муқаддас зиёратгоҳ бўлиб қолади. Бу ерга келиб, шаҳидлар ҳақиға тиловат қилган ҳар бир инсон яна бир қарра уларнинг ишини давом эттириш, мустақил юртимизни обод қилиш, ҳаётимизни фаровон этиш учун ўша қаҳрамонлардек фидокорлик билан иш юритишга жазм қилади.

О.Шарафиддинов

“Шаҳидлар хотираси” мажмуи қатағон қурбонларига бир ёдгорлик, зиёратгоҳиға эмас, балки бу изтиробли ва эшиги доимо очиқ тарбия мактабидир.

А.Орипов

Армонли орзуларни рўёбга чиқарган унинг Бош муаллифи муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовдир.

Ишончим комилки, бу сокин ва улугвор зиёратгоҳ доимо ёш авлод тарбиясига, ўтмишни янада теранроқ англашга хизмат қилади, ҳар биримизни бу ёруғ кунларнинг, озодликнинг қадрига етишга ундаб туради.

С.Мирвалиев

Ўғил-қизларим, набираларим билан “Шаҳидлар хотираси” зиёратгоҳини айланар эканман, қатлгоҳлар ўрнида қатағон қурбонлари руҳини шод этувчи шундай бир мўътабар масканни яратган, савобли ишларга бош-қош бўлаётган раҳбаримиз ҳақиға дуо қиламан, шаҳид кетган ажлодлар руҳи ҳар доим у кишини қўллаб-қувватласин, дейман.

Ҳ.Тожибоев

Ўтганларни эслашнинг ўзи хайрли, уларнинг ҳоки туробини зиёратгоҳға айлантириш эса савобларнинг савобидир. Тошкентдаги беқийёс ўзгаришлар-у, мана шу қутлуг ишларга бош-қош бўлаётган Президентимиз ҳақиға ҳар қанча дуо қилсак, кам.

А.Илёсов

Қатағон балоси фақат сиёсий элитани ўз домига тортиб қолмади. Бу қонли террорда юз минглаб зиёлилар ва ҳатто оддий меҳнаткашлар ҳам бегуноҳ қурбон бўлди. Хуллас, мудҳиш қатағон алангасида ҳўлу қуруқ баробар ёнди.

Н.Норжигитова

Ёдгорлик пойидаги Бўз сув халқаланганча оқишда давом этмоқда... “Қатагон қурбонлари хотираси” музейидаги қамоқхона манзарасини эслатувчи деворда ёзилган йигирма тўрт ёшли Усмон Носирнинг исёнли мисралари акс-садо бергандай бўлади:

Бўлмоқ истаб шеърият узра дарға,
Итардилар мени чуқур бир жарға.

Хотира ҳиёбонидан қайтар эканман, бир нарсани тушунгандек бўлдим: Юрт ўғлонлари хотирасига ўрнатилган бундай рамзий ёдгорликни ҳар биримиз ўз кўнглимизга ҳам ўрнатишимиз керак.

Н. Абдураззоқова

Қатагон қурбонлари, эл-юрт озодлиги йўлида шаҳид кетган аждодларимизнинг фидойиликлари бизларга ҳамшиша ибрат.

Ф. Баҳромов

Ўтганлар ёди муқаддас. Мана шундай нурафшон кунларни орзу қилган, шу йўлда ўз умрини ҳам аямаган қатагон қурбонларининг хотирасини ёд этиш билан қалбимиз нурга тўлади, руҳимиз тетиклашади. Эзгулик аталмиш қудратли кучнинг абадийлигига, адолат тантанасига яна бир бор амин бўламиз.

В. Луқмонов

Юрак қони билан битилган сатрлар

— Ватан муқаддасдир. Қадрин билмоқ керак. Сотмасга ва ўлгунча айрилмасга керакдур...

— Келар замон учун ҳозирланайлук, ўтган замон учун эмас.

Маҳмудхўжа Бехбудий

— Ҳуррият берилмас, олинур!

— Жаннат каби гўзал юртинг бугун сендан иш кутаду!

Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли

— Темур Қўраган каби дохийларни, Мирзо Бобур каби фотиҳларнинг, Форобий, Улугбек ва Али Сино каби олимларнинг ўсиб-унган ва нашъу намо қилганлар, бил, ўлкани ҳалокат чуқурига қараб судрағувчи, албатта, Тангрининг қаҳрига сазовордир.

Абдулла Қодирий

— Ватан — у менинг жону таним, саждагоҳимдур. У менинг тўлин ойим, тинч-омонлигим, иззатим, шарафим. Каъбам, қиблам ҳамда гулистонимдур...

— Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ — менинг ўлимим.
Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдур.

Абдурауф Фитрат

— Туркистонли — шонимиз, туронли — унвонимиз,
Ватан — бизим жонимиз, фидо ўлсун қонимиз!
— Ер юзинда ўзга бир олам эрур бизнинг Ватан,
Бошқа ҳар бир ўлкадан кенг, ҳар диёрдан каттакон.
Бу Ватанни жон билан сақлашга, Чўлпон, ҳозир ўл,
Кимки қасд қилса анга, кийсин пушаймондин кафан!

Чўлпон

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор...

Мен Тошкентнинг Самарқанд дарвозаси маҳалласида 1920 йилнинг 10 июнь куни туғилганман.

Дадамнинг дадаси Дадахўжабой Тошкентнинг энг катта бойларидан бўлган. У бойлигининг кўпчилик қисмини юрт ободонлигига, ўзбек ёшларини ўқитишга сарфлаган.

Онам Зулфияхон саводли, ҳуснихати чиройли аёл эдилар. Фузулий, Ҳувайдо, Машраб ғазалларидан ўқирдилар. У кишига негадир Ҳувайдо ғазаллари кўпроқ ёқарди. Ҳувайдо бу ғазалларини худонинг жамолига ошиқ бўлиб битган, деб айтардилар.

Бу китобларнинг ҳаммасини 1950 йилнинг 10 майида мени қамоққа олганларида КГБ ходимлари йиғиштириб кетишганди. Онам йиғлаб-йиғлаб, болам, Каломи Оллоҳга тегманг, унда дадамнинг муҳрлари бор, деб ёлборганларидан кейин, Куръонни ташлаб кетишганди.

Дадам — Ҳусанхўжа Дадахўжа ўғли рус тилини мукаммал биларди. Русча хатни мутлақо беҳато ёзарди.

Дадам инқилобдан кейин турли идораларда ишлади. Жумҳурият озиқ-овқат комитети раисига ўринбосар бўлди. Марказ Самарқандга кўчганда бир этак болани кимга ташлаб кетаман, деб Тошкентда қолди. Тошкентдаги паровоз-вагон ремонт заводи директориға муовин бўлиб ишлади. Муовиннинг вазифаси маҳаллий ишчилар билан

ўрис инженер-техниклар ўртасида таржимонлик қилиш, уларга рус тилида аризалар ёзиб бериш, директор, бош инженер билан маҳаллий ишчилар ўртасида воситачилик қилиш эди.

Ташқари ҳовлимиздаги меҳмонхонада Бўстонлиқ томондан кўчиб келган Мирмашриқ Юнусов деган киши турарди. Элбек деган машҳур шоир шу киши эди. Жума кунлари унинг олдида Абдулла Қодирий, Ғулом Зафарий, Ғози Юнус, Ғафур Ғулом, Ойбек, Хуршид, Комил Алиев, Тавалло, Хислат, Маннон Уйғур, Наби Ғани деган ижодкорлар, рассом Искандар Икромов келиб туришарди. Адабиёт, дунё ишлари тўғрисида узоқ-узоқ гаплашишарди. Мен уларга чой таширдим. Бизникидан граммафон опчиқиб Ҳамроқул қори, Ҳожи Абдул Азиз, Тўйчи ҳофизларнинг пластинкаларини қўйиб эшитишарди. Ўша пайтда Тошкентда фақат икки кишининг уйида граммафон бўлган. Бири — Илҳом самоворчи деган кишиникида, бири — бизникида.

Дадам овга қизиқарди. Жуда яхши овчи эди. Уйимизда иккита-учта қўшоғиз милтиқ бўларди. Ҳозирги Чилонзор Оқтепасидан сал нари юрилса, Қангли деган мавзе бўларди. Атрофи тўқайзор эди. Дадам куз пайтларида эрталаб милтигини елкага ташлаб чиқиб кетиб, кечқурун бир қоп қирғовул, ўрдак уриб келарди.

Дадам йигирманчи йилларнинг охирида Чорсу кўприги тепасидаги овчилар дўконига мудир бўлганди. Ўттизинчи йилда Тошкентда сув тошқини бўлган. Дўконни сув босмасин, деб кечаси милтиқларни, тўппонча, ўқ-дориларни бир тепаликка ташиб чиқаришган. Ўшанда тўрт-бешта милтиқ, билмадим, нечтаям тўппонча йўқолган. Бунинг учун дадамни қамаб, тўрт ойдан кейин қўйиб юборишган.

1938 йилнинг эрта баҳорида дадамни НКВД қамоққа олиб кетди. Мен ўшанда унинг кўрпа-тўшагини кўча бошигача кўтаришиб чиққандим.

Ана шундан кейин дадамни кўрмадим. Унинг тергов пайтида қазо қилганини йигирма йил ўтгандан кейингина билдим.

Бутун умрим “халқ душмани”нинг ўғли, деган тамға билан ўтди.

Катта акам Имомжон Хусанхўжаев олтмиш йил олий мактабларда педагогикдан дарс берди. Ўттиздан ортиқ дарслик ва қўлланма китоблари босилиб чиқди. “Навоийнинг педагогик қарашлари” мавзуида кандидатлик диссертациясини ёқлади. У 1926 йилда ўзбек стенография ёзувини ижод қилди. Махсус курс очиб, стенографлар тайёрлади. Шу курсни битириб чиққан ўртанча Зухриддин акам билан Аҳмад Шораҳмедов (“Ота” романининг муаллифларидан бири) то уруш бошлангунга қадар бўлган жами қурултой ва кенгашлардаги

докладларни, нутқларни ёзиб олишган. Ўзбекистоннинг ўн беш йиллик ҳужжатли йилномасини шу киши яратган, десам хато бўлмайди.

Зухриддин акам эллик йилдан ортиқ Тошкент ирригация институтида сув иншоотлари қурилишидан дарс берди. Унинг йигирмага яқин дарслиги ҳозир ҳам олий мактабларда ўқитилади.

Мен дурустгина таълим ололмадим. Қаерга борсам, Дадахўжа дўма билан Фуломжон қозининг невараси, “халқ душмани”нинг ўғли, деб кўкрагимдан итаришди. Қилмаган ишим қолмади. Рассомлик қилдим, сураткашлик қилдим, артистликка уриниб кўрдим, биронтасидан кўнглим тўлмади. Дилимга ёзувчилик ишқи тушди. Таржимаи ҳолимни яшириб, газета-журналларда ишладим. Мақолалар, очерклар, фельетонлар ёздим. Ҳикояларим оғизга тушиб қолди. Фафур Фулом, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорлар ёзганларимга эътибор бера бошладилар. Тўртта китобим чиқди. Шоира Саида Зуннуновага уйландим. Тўйимизга олти ой бўлганда мени қамоққа олишди. Беш йил сарсонсаргардон бўлиб, Жезқозғон деган конда тош қазиб, силлам қуриб қайтиб келдим. Сталин ўлган, Берия отилган бўлса ҳам, ҳадеганда ишим ўнглавермади. Мени ҳеч қаерга сайлашмасди. Орденлардан, унвонлардан ўчиришарди.

Саидахонни “халқ душмани”нинг хотини деб хор-зор қилганларини айтишга тилим айланмайди. Уни Ёзувчилар союзидан ўчиришди. Икки олий ўқув юртини битирган бўлса ҳам (Саидахон Андижон пединститутини ва Ўрта Осиё давлат университетини тугатган эди) уни ҳеч қаерга ишга олишмади. Ёзган шеър-ҳикояларини редакциялар, нашриётлар қайтиб беришарди. Олдига битта шарт қўйишарди: эрингдан кечсанг, шеъринг ҳам, китобинг ҳам чиқади.

Саидахон бу шартларни рад этди. Уйда ўтириб машинисткалик қилди. Икковимиз учун фақат битта йўл бор эди, бу — ёзиш. Яхши ёзиш. Китобхон далдасига таяниш.

Редакциялардан қайтгулик бўлмасин, деб ёздим, ўчирдим, ёздим, ўчирдим, ёздим.

Худоба минг марта шукрим, бирон жойдан ҳикоям қайтмади. Нимаики ёзган бўлсам, ҳаммаси босилди. Аммо... аммо жуда кечикиб босилди.

Мустақиллик неча-неча миллионлаб кишининг оёғидан кишани олиб ташлади. Менга ўхшаганларнинг кўкрагига шамол тегди. Танзимизни қатағон жароҳатларидан халос этди.

Қатор-қатор китобларим босилди. Ўқувчилардан, адабиётшунослардан яхши гаплар эшитадиган бўлдим. “Келинлар қўзғолони” ко-

медиям ҳатто чет элларда ҳам намойиш қилиняпти. “Куёв” комедиям, Худога шукр, ўйналиб турибди. Учта кинога сценарий ёздим.

“Буюк хизматлари учун”, “Дўстлик” ва бошқа орденлар билан мукофотландим. Халқ ёзувчиси деган унвонга сазовор бўлдим. Мустақиллик кўксимга “Олтин юлдуз” тақиб, сен менинг қаҳрамонимсан, деди.

Мана шу ёруғ кунлар учун, бу тенгсиз ҳурматлар учун халқимга, улуғ йўлбошчимизга қуллуқ қиламан.

Афсус! Минг афсус! Саидахон бу кунларни кўролмай оламдан ўтиб кетди. Бу менинг юрагимда бир армон бўлиб қолди...

Саид Аҳмад
Ўзбекистон Қаҳрамони

“Қулоқлар”нинг она юртларига қайтиши

Қулоқликка тортилиб, сургун қилинганларнинг лаънати “қулоқлик”, “меҳнат учун сургун қилинган” тамгаларидан холос этилиб, эркин фуқаролик мақомига ва паспортига эга бўлиб, ўз юртларига қайтиш жараёни ҳам жуда оғир кечган. Бу жараён қарийб 20 йилдан кўпроқ вақтни қамраб олган ва маълум босқинларни ўз бошидан кечирди.

Собиқ СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1934 йил 27 майдаги махсус қарори билан сургундагиларнинг сайлов ҳуқуқи тикланди. Бу аслида, мантиқан қулоқ қилиниб, меҳнат посёлкаларига сургун қилинганларнинг аввалги ўз жойларига, юртларига қайтишини тақозо этарди. Дастлаб ана шу қарор асосида сургундагиларнинг маълум қисми озод қилиниб, ўз жойларига қайтиб келди.

Ватанига қурбонлар қайтса
Эй тилим, эй элим, эй она тупроқ
(Сонетлар туркуми)

Қодирийнинг терговчиларин
Айтиб беринг номма-ном халққа,
Йигинг ёлғон тирговчиларин,
Токи халқим етишсин хаққа.

Токи силқиб куймасин бағир,
Токи шодмон қутайлик тонгни,

Токи олиб бормайлик, ахир,
Келажакка қонни, ёлғонни.

Чўлпон

Унут, тупурилган қутлуғ сўзларга,
Макон бўлган тупроқ аро мен борман.
Бўғзимда қотган сўз, бўйнимда армон,
Бу арқон ёдгор мен осилган дордан.

Кўксимда - қўрғошин, қулоқда — симоб,
Елкам — маматалоқ, калтак излари...
Юракда муҳаббат, ғазаб, изтироб,
Тилимда халқимнинг қутлуғ сўзлари

Усмон Носир

Сен ўзинг жон бердинг, ўзинг бердинг тан,
Ўзгалар келтирди ўлимни фақат.
Мен сени қизимдай севаман, Ватан!
Ватаним, мен сенга қиламан шафқат.
Жуда оз яшадим, ҳақим бор, сўрай:
Яшаб улгурмаган кунларим ҳақи,
Ўчимни, ишқимни, меҳримни берай
Берай юрагимни сенга, эй, халқим!

Ойбек

Ноҳақ зарбалардан бўлдинг минг тилим,
Ҳаётга қайтарди ям-яшил ўтлар.
Йўлингни тўсмоқчи бўлди зобитлар,
Сени енга олмас хиёнат, дилим.

Мунаввар қори ва ўлим

Хурлик учун,
Хур Ватан учун!
Куйдим, буни бахт деб биларман.
Эрк дегандим,
Маҳбус этдилар,
Балки ўлсам, озод бўларман.

Хушид Даврон

Қатағонга учраганлар сўзларидан

Шофиркон районида сургун қилинган Муҳаррам Шукурова шундай эслайди:

Бизни оила, демак мен, қизларим Қуйсун, Рисолат, набирам 3 ёшли Исоқ 1946 йил сентябрида расмий рухсат билан Шофирконга қайтиб келганмиз. Эркаклар йўқ, амаки ва тоғалар ҳам йўқ. Чунки уларнинг бир қисми 1935-1937 йилларда сургунликда қатағон қилинган, кейин урушга кетиб ҳалок бўлганлар.

Юртга қайтиш тафсилотини Марҳабо Эшонқулова шундай эслайди:

Ниҳоят 1933 йилнинг март ойида комендантимиз бизга муддати-дан олдин озод этилганлигимиз ҳақидаги гувоҳномани келтириб берди. Ёшу қари уйимизга йиғилди. Етти-саккиз киши бўлиб, юкларимизни аравага ортишди. Бу ерда қолаётган дугоналарим, нимжон болалар бизларниям олиб кетинг, уйимизни соғиндик деб этагимизга ёпишар, қучоқлаб ўпишардик.

Отам топган бир бойлигимиз: соғин сигир, бузоқ, гуннажинни, 60-70 та гозу-ўрдак ва товуқларни бу ерда қолаётганлар ихтиёрига қолдирди. Фақатгина кўрпа, шолча ва егулик нарсаларни олдик, холос. Дардимизга шерик бўлган кишилар бизни ярим йўлгача кузатиб қўйишди. Мен эса совуқ шабадага ҳам қарамай, онамнинг елкаларига суяниб, уларга қўл силтар ва ўзимни қафасдан озод бўлган қушчадай эркин ва бахтиёр ҳис этардим...

Исоқ Мардонович Мардонов Шимолий Кавказдан меҳнат кўчкдиларининг юртга қайтишларини шундай эслайди:

1943 йил ёзида Шимолий Кавказга немис армияси кириб келади. Бувимнинг айтишича, улар 8 ой турган. Ана шу немислар турган пайтда бир қисм ўзбеклар Ўзбекистонга қочиб келган, чунки немислар қочоқларга индамаган, комендатура йўқ бўлган, колхозни ҳам йўқ қилишган. Колхознинг ҳамма моллари, сигир, қўй, эчкилар одамларга тақсимлаб берилади. Жамоа ҳўжалиги ерлар ҳам тақсимлаб берилади, ўзларинг ишлаб, ўзларинг кунларингни кўринлар, деган немислар. Ўша пайтда кўпгина оилалар Ўзбекистонга қайтиб келган. Ҳеч қанақа рухсатсиз қайтиб келишган. Лекин айримлари қолаверган, эркаклар фронтда ўлиб кетган, аксарият аёллар қочиб кела бошлаган. 14-15 га кирган ўғил ёки 70-80 га кирган чол бобоси бўлса агар, ўшалар билан бирга келаверган ёки 4-5 та оилалар бирга-

лашиб қочишган. Ўшаларнинг ичида битта чол бўлса, ўша йўл бошловчи бўлиб қочиб келишган. Ўша ердан келиш жуда катта жасорат бўлган. Бизнинг оила, демак, бувим, онам, холам-аёллар, ўша вақтда мен 5 яшарман, биз 1946 йил сентябрь ойида қайтиб келдик. Отамнинг амакиси Шодмонов Тўрани, 1937-1938 йиллар бўлса керак, Оқ денгиз Болтиқ каналига меҳнат армиясига ишга юборишган, ўша ерга бориб 2 йил ишлаган, Шодмонов Тўра Болтиқ канали қурилишидан қайтиб келган, уни армияга олишмаган. Чунки 1939 йилда ўша Оқ денгиз Болтиқ каналида ишлаётганида бели майиб бўлиб, эгилиб юарди, қаддини ростлаб юра олмасди. Шу боис бизнинг оиламиз у киши бошлиқ аксарият аҳли аёллар ҳаммаси юртга қайтиб келган.

“Истиқлол йўлида шаҳид кетганларни биласизми?” мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилиш учун тавсиялар

Беллашувни ўтказишдан мақсад мустабид сиёсат оқибатида қатагонга дучор этилган юрт фидойилари, миллат гурури, эл шаъни, юрт равнақи учун ўз жонини берган, озодлик йўлида қатъият билан курашган, истеъдодли адиблар — маърифат тарғиботчилари, зиё тарқатувчилар ўз ижодлари билан миллий маданият тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган адиблар, истиқлолимиз йўлида шаҳид кетган қатагон қурбонларининг ҳаёт йўли, тақдири, изтироби, улар ҳақидаги нашр этилган хотиралар, илмий ва бадиий асарларни ўрганиш ҳамда кенг китобхонлар оммасига тарғиб этишдан иборат.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол китобхонлардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, олий ўқув юрти бакалаврият ва магистратура йўналиши талабалари, турли соҳа эгалари бўлган китобхонлар киритилиши мумкин.

Беллашув ташкилотчилари саволлар тузиб, уларни икки гуруҳга мўлжаллаб қўяди. Берилаётган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша манбаларни пухта ўқиб чиқишлари зарур.

Билимдонлар эътиборини “Ватан, халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш” ва “Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш” тўғрисидаги Қарор ва Фармонга, қатагон қурбонлари ҳақида ёзилган монография, китоблар,

илмий ва бадиий асарлар, хотиралар, эсдаликлар, ёдномаларга қаратиш керак. Беллашув ўтказиладиган кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида қатағон қурбонлар ҳаёти ва фаолиятини ҳамда шу мавзуда ёзилган асарларни акс эттирувчи китоб кўргазмаси ташкил этишни тавсия қиламиз.

Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтирамиз. Шунга қараб, билимдонлар қайси асарлардан ва манбалардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги Қарори қачон қабул қилинган?

(“Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги Қарор 1999 йил 22 июлда қабул қилинган).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги Қарор нега қабул қилинди?

(Юртимиз озодлиги ва мустақиллиги учун курашларда матонат кўрсатган, миллатни ҳурлик ва эркинликка чорлаган, мустабид тузум йилларида қатағон этилган фидойи ватандошларимизнинг мўътабар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг ибратли ҳаёти ва фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ёшлар қалбида метин иродали, мард аждодларимиз руҳи-покига эҳтиром, ижтимоий адолат тантанасига ишонч, истиқлол ғояларига садоқат, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майдаги Ф-999-сонли Фармойишига мувофиқ Қарор қабул қилинди).

3. “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Фармон қачон қабул қилинган?

(“Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2001 йил 1 майда қабул қилинган).

4. Биринчи марта “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини” қачон нишонланган?

(Республикада 2001 йил 31 августда “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини” нишонланади).

5. “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи қачон очилган?

(“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи 2000 йил 12 майда очилган).

6. 1937-1953 йилларда содир этилган репрессия натижасида неча киши қатағонга учраган?

(1937-1953 йилларда содир этилган репрессия натижасида Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланган).

7. “Сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоби” рукни остида неча жилдлик китоб нашр этилган?

(Москвада ташкил этилган “Реабилитация қилинган сиёсий қатағон қурбонлари ҳуқуқини тиклаш бўйича идоралараро доимий комиссияси” 1997-2003 йиллар мобайнида “Сиёсий қатағон қурбонлари хотира китоби” рукни остида 7 жилдлик “Бутовский полигон. 1937-1938” номли асарни нашрдан чиқарган. Унда Бутово полигоновида отилган ҳамда шу жойга қўмилган 20 761 киши ҳақида маълумотлар келтирилган).

8. “Катта террор” даврида, яъни 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январигача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича неча киши қатағон қилинган?

(“Катта террор” даврида, яъни 1937 йил 10 августдан 1938 йил 1 январигача бўлган вақтда Ўзбекистон бўйича фақат собиқ “қулоқлар”дан 5 924 киши, жиноятчилардан 1 679 киши “советларга қарши унсурлар”дан 3 097 киши, жами 10 700 киши қамоққа олинган. Улардан 3613 киши 1-тоифа бўйича отувга, 7087 киши 2-тоифа бўйича 8-10 йил муддат билан қамоқ жазосига, меҳнат тузатув лагерида ҳукм қилинган).

9. “Қишлоқ фожиаси: жамоатлаштириш, қулоқлаштириш сургун”и рисоласини ким ёзган ва қисқача мазмуни билан таништиринг?

(“Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун” китобини профессор Рустамбек Шамсутдинов яратган. Ушбу китобда ўтган асрнинг 30-йилларида Ўрта Осиё республикаларида большевизм томонидан амалга оширилган сургун ва қатағон тарихини бутун даҳшатли манзаралари акс эттирилган. Шунингдек, Ўрта Осиё, айниқса Ўзбекистон қишлоқларида мажбуран ўтказилган жамоалаштириш ва бу билан боғлиқ деҳқонларни қулоқ қилиш, сургун этиш жараёни, унинг фожиали оқибатлари илмий жиҳатдан очиб берилган).

10. Москва-Волга канали қурилишида ишгирок этган қатағон қурбонлари қанча?

(Москва ёнидаги Дмитров лагерида 1933-1938 йиллари қўплаб ўзбекистонлик маҳбуслар, собиқ қулоқлар “иккинчи беш йилликнинг буюк қурилиши” ҳисобланган Москва-Волга канали қурили-

шида фаол қатнашганлар, уларнинг кўплари ўлиб кетган, маълум қисми канал қурилиб, ишга тушгандан сўнг такроран қатагон қилинган. Улардан 51 киши 1937-1938 йиллари отилиб, Бутово полигонига кўмилгани аниқланди).

11. “Кафансиз кўмилганлар” хотира-романи қайси ёзувчи қаламига мансуб?

(“Кафансиз кўмилганлар” хотира-романи истеъдодли шоир, но-сир ва драматург Шукрулло қаламига мансуб).

12. Ушбу келтирилган парча қайси муаллифнинг асаридан олинган?

— Абдулла Қодирий, Усмон Носир деган ёзувчиларни эшитганми-сан? Файзулла Хўжаев, Акмал Икромовдек буюк раҳбарларни-чи? Уларни ким отган? Нега? Биласанми?... Мана ёнингда ўтирган Шукрулло халқ “душмани” бўлиб, неча йилга ҳукм қилинган, неча йил қамоқ лагерларида ўтириб чиққан, бунга ҳам ишонмайсанми? Бир неча ўлимлардан қандай қилиб қолгани, хўрликларини эшитганми-сан?

Йигит елка қисди.

(Ўзбекистон халқ шоири Шукруллониң “Кафансиз кўмилганлар” хотира-романидан олинган).

13. Р.Шамсутдинов қатагон қурбонлари тўғрисида қандай асарлар ёзган?

(Профессор Р.Шамсутдинов “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар” (2001), “Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун” (Ўрта Осиё республикалари мисолида (2003), “Қатагон қурбонлари” (2007) каби асарларини яратган).

14. Қуйида келтирилган парча қайси муаллифнинг асаридан олинган?

Москвада чиқадиган “Вечерняя Москва” газетаси 1990 йилнинг 6 декабридан бошлаб 1930-1940 йилларда яширинча отилиб, Москвадаги Ваганков қабристонида яширинча кўмилган одамлар рўйхатини бериб келаркан. Шу газетаниң 1992 йил 25 майидаги сониди тўққиз кишиниң рўйхати берилган бўлиб, шулардан беш нафари бизниң юрдошларимиз экан.

Улар:

1. Саид Абдурашидович Аҳрорий (мениң отам).
2. Мунаввар қори Абдурашихондов.
3. Салимхон Тиллахонов.
4. Тангриқулхожи Мақсудов.
5. Нажмитдин Шераҳмедов экан.

Буни кўриб, ўқиб анг-танг қолдим. Қарангки, Аллоҳ таоло бу ишда ҳам ўзи қўлади. Ўн беш миллий истиқлолчининг фожиали қисмати қандай якунлаганига аниқлик киритди. Энди навбат бизга — истиқлол шарофатидан баҳраманд бўлган авлодга — уларнинг элдошлари, фарзандларига. Истиқлол учун тенгсиз курашда шаҳид кетганлар ёдини абадийлаштириш борасида олиб борадиган ҳаракатларимиз суръатини бўшаштирмаслигимизда.

(Юқорида келтирилган парча Холида Аҳророванинг “Изларини излайман” китобидан олинган).

15. 26 ёшида “аксилинқилобчи”, “миллатчи” ва “халқ душмани” сифатида қамоққа олинган шоир ким?

(26 ёшида “аксилинқилобчи”, “миллатчи” ва “халқ душмани” сифатида қамоққа олиниб, ўн йиллик жазо муддатини ўташ учун дастлаб Соловец оролларида юборилган, сўнгра 1938 йил 9 майда Москвада отиб ташланган Боту тахаллуси билан ижод қилган шоир Маҳмуд Ҳодиев).

16. Ушбу келтирилган парча қайси шоирнинг шеъридан олинган?

*Ой кулар қизлардай сирли бир кўз-ла,
Зар сепиб борлиққа тин-тиник юз-ла,
Қаршимда куларди ёғдули чеҳра,
Истиқбол ҳаваси кўнглимда менинг.*

*Борлиқда губор йўқ, борлиқ энг гўзал,
Ҳар сафар юлдузлар кўкларда сўзлар:
“Истиқбол ойдинли, севинчи бўлар”,
Ўнди истиқболни ҳаёлим менинг.*

(Юқорида келтирилган парча шоир Ботунинг “Ойдин кеча” шеъридан олинган).

Беллашувни ҳакамлар маълум балл қўйиш билан якунлайдилар. Бунда жавобларнинг тўғрилиги, батафсиллиги ҳам эътиборга олинади. Ғолибларни совғалар билан тақдирлаш тавсия этилади. Совға тариқасида китоблар, гуллар ва эсдаликлар топшириш мумкин.

“Шаҳидлар руҳи барҳаёт” номли китоб кўргазмасини ташкил этиш учун материаллар

Таклиф этилаётган китоб кўргазмаси кутубхона, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиладиган тадбирларни тўлдиради.

Кўргазма қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни

Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг қадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналарини ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида” ги Фармонидан

Бу бўлимда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш” тўғрисидаги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида” ги Фармони, Президент Ислом Каримовнинг “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи ва маҳаллий материаллар билан тўлдирилиши мумкин.

2. Аждодлар хотираси — муқаддас

Мустабид тузум даврида миллион-миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бутунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди.

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида” ги Фармонидан)

Бу бўлимда:

Мустамлакачилик даврида Ватанимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида мустамлакачилик ва мустабид тузумга қарши халқимиз асл фарзандларининг олиб борган кураши, ҳаёти, тақдири ва қисмати-

ни акс эттирган монографиялар, китоблар, рисоалар, очерклар, илмий мақолалар, ёднома, хотиралар, эсдаликлар, ҳужжатларни намойиш этиш мумкин.

3. Маърифат ва эзгуликка бахшида умр

*Бошимизни қўййлик биз саждага ҳатто,
Қўрсин дунё ва ишонсин халойиқ, Худо!
Шу ҳаёт деб, шу тупроқ деб кетдилар шаҳид,
Наинки кўр, наинки кар, соғлар ҳам аҳир.*

Н.Нарзуллаев

Бу бўлимда:

Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Шухрат, Чўлпон, Шукрулло, Мақсуд Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Саид Аҳмад, Ҳамид Сулаймонларнинг асарларини намойиш этиш мумкин.

Кутубхоналарда, ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўтказиш мумкин бўлган тадбирлар туркуми

Китоб тақдимути

1. Наим Каримовнинг “Қурбон Берегин қисмати” китоби юзасидан.

2. Рустам Шамсутдиновнинг “Қатағон қурбонлари” китоби юзасидан.

“Қатағон даврининг қурбонлари”, “Унутилмас кунлар”, “Миллат ва халқ учун жон берганлар” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Илмий-амалий конференция

1. “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси томонидан қатағон қурбонлари ҳақида қилинаётган ишлар.

2. “Тарихнинг ҳасратли саҳифалари”.

3. “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар” каби мавзуларда;

“Истиқлол фидойилари”, “Зулматдан зиё”, “Оғир кунлар севинчи” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Китобхонлар конференцияси

1. “Изларини излайман” Холида Аҳророванинг асари бўйича.
2. “Кафансиз қўмилганлар” хотира романи бўйича
3. “Қатағон қурбонлари” Рустам Шамсутдиновнинг шу номли асари бўйича.

“Шаҳид кетганлар”, “Ойдин кунлар армони”, “Қишлоқ фожиаси” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Савол-жавоб кечаси

1. “Қатағон қурбони Файзулла Хўжаев ҳаёти ва ижодига бир назар”.
2. “Муҳиддин Қори Ёқубов ҳаёти ва фаолиятига бир назар”.
3. “Саид Аҳрорийнинг ҳаёти ва фаолиятини биласизми?”
4. “Мунаввар қори Абдурашидхонов фаолиятига бир назар” каби мавзуларда;

Авлодлар қалбида ҳамиша сақланажак”, “Халқимизнинг асл фарзандлари”, “Руҳлари барҳаёт” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Билимдонлар беллашуви

1. “Давлат мукофотларига сазовор бўлган қатағон қурбонларини биласизми?”
2. “Туғма истеъдод Усмон Носирнинг ҳаёти ва ижодини биласизми?”
3. “Маданий-маърифий муассасалар ходимларининг қатағон қилинганини биласизми?”
4. “Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ҳаёти ва ижодини биласизми?”
5. “Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ҳаёти ва фаолиятини биласизми?” каби мавзуларда;

“Истиқлол йўлида шаҳид бўлганлар”, “Йиллар ва тақдирлар”, “Унутмас халқинг сени” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Мавзули кеча

1. “Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар”.
2. “Қатағон қурбонлари”.

3. “Миллат ва халқ учун шаҳид кетганлар”.
 4. “Истиқлолни уйғотган шоир”.
 5. “Адолат — мустақилликнинг тамал тоши”.
- “Руҳлари барҳаёт”, “Мозийдан садо”, “Халқнинг ардоқли фарзанди” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Давра суҳбати

1. “Жасорат абадияти”.
 2. “Халқ учун фидо бўлганлар”.
 3. “Илм ва маърифат ҳомийси”.
 4. “Халқимизнинг оташ қалбли фарзандлари”.
 5. “Қишлоқ фожиаси” каби мавзуларда.
- “Инсон тақдири”, “Бир тақдир тарихи”, “Фидойилик қурбони” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Хотира ва қадрлаш соати

1. “31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни”.
2. “Қатагон қурбонларини хотирлайлик”.
3. “Хотира муқаддас, қадр-барҳаёт”.
4. “Империя қурбонларидан бири”.
5. “Ватанпарвар ва маърифатпарвар инсон”.
6. “Маҳмуд Ходиев — Ботунинг фожиали тақдири”.

**“Хотирангиз доимо қалбимизда”, “Сўнмас садо”,
“Мангу барҳаёт” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва
адабиётлар обзори.**

Учрашув кечаси

а) Қатагон қурбонлари ҳақида асарлар ёзган олимлар билан:

1. Наим Каримов
2. Рустамбек Шамсуддинов
3. Шерали турдиев
4. Собир Мирвалиев

б) Қатагон қурбонлари ҳақида хотира, роман, эсдаликлар, рисо-
лалар ёзган муаллифлар билан:

1. Холида Аҳорова
2. Шукрулло

3. Ислом Усмонов

в) Қатагон қурбонлари ҳақида илмий мақолалар ёзган муаллифлар билан:

1. Аҳмад Сирожиiddин
2. Баҳодир Каримов

г) Қатагон қурбонлари ҳақида шеър, достон, бадиа ёзган шоирлар билан:

1. Султон Акбарий
2. Икром Отамурод
3. Хуршид Даврон
4. Жуманиёз Жабборов
5. Шукур Қурбон

“Истиқлол учун қурбон бўлганлар”, “Инсон хотираси абадий”, “Хазон бўлган умидлар”, “Улар мангу тирикдир” каби мавзуларда китоб кўргазмаси ва адабиётлар обзори.

Қатнашувчилар: жойлардаги Республика Маънавият тарғибот маркази, “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси, “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси, “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи ходимлари “Нуроний”, “Олтин мерос”, “Маҳалла” жамғармалари вакиллари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, тарихчилар, файласуфлар, санъаткорлар, ҳуқуқшунослар, журналистлар, тарих ва адабиёт ўқитувчилари ҳамда кенг китобхонлар оммасини жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар

Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 й. 1 май Фармони // Тошкент оқшоми.-2001.-2 май; Ватанпарвар.-2001.-3 май; Фидокор.-2001.-3 май; Қишлоқ ҳақиқати.-2001.-3 май; Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2001.-4 май; Ҳуррият.-2001.-5 май; Оила шифокори.-2001.-8 май; Хабарнома.-2001.-№2.-Б.51.

Қатагон қурбонларини ёд этиш маросимини ўтказиш бўйича комиссия таркиби: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 й. 1 май ПФ 28-37 сонли Фармонига илова //Хабарнома.-2001.-№2.-Б.52.

Аждодлар руҳига эҳтиром //Халқ сўзи.-2003.- 1 сентябрь.

Каримов А. Шаҳидлар хотираси-барҳаёт: [Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов иштирокида “Шаҳидлар хотираси”

ёдгорлик мажмуида бўлиб ўтган қатагон қурбонларини зиёрат этиш ва уларни ёд этишга бағишланган маросим ҳақида] //Ватанпарвар.-2003.-1 сент.; Ишонч.-2003.-1 сент.; Фидокор.-2003.-1 сент.; Халқ сўзи.-2003.-1 сент.

Шаҳидлар хотираси — мангу барҳаёт: И.Каримовнинг “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи 2000 й. 12 май //Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз.-Т.8.-Т.: Ўзбекистон, 2000.-Б.475—478.

Аҳророва Х. Изларини излайман.-Т.: Шарқ, 1998.-176 б.-Истиқлол фидойилари.

Каримов Н. Қурбон Берегин қисмати / “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси, “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи.-Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.-112 б.

Турдиев Ш. Улар Германияда ўқиган эдилар /Масъул муҳаррир Н.Каримов “Қатагон қурбонлари хотираси” музейи “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси.-Т.: Академ-хизмат.-2006.-256 б.

Усмонов И. Топталган тақдирлар: Хужжатлар. Эсдаликлар. Хотиралар /Масъул муҳаррир Х.Тўраев.-Т.: Меҳнат, 2000.-96 б.

Усмонов И. Қанот ва қаноат: Эсдаликлар, хотиралар, хужжатлар.-Т.: Шарқ, 1996.-111 б.

Усмонов И. Қатагон қурбонлари.-Т.: Ўзбекистон, 1992.-223 б.

Халқ хотираси олдида бош эгамиз: Хужжатлар, маърузалар, хотиралар, хатлар.-Т.: Шарқ, 2001.-128 б.

Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар /Масъул муҳаррир Н.Каримов.-Т.: Шарқ, 2001.-416 б. —(“Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси).

Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш қулоқлаштириш, сургун: (Ўрта Осиё республикалари мисолида) “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси, “Мерос” халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси.-Т.: Шарқ, 2003.-542 б.

Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар /Масъул муҳаррир А.Самад.-Т.: Меҳнат.-1991.-168 б.

Шукрулло. Кафансиз кўмилганлар. Жавоҳирлар сандиғи: Қиссалар.-Т.: Шарқ, 1995.-368 б.

Фуломова М.О. Ўзбек зиёлиларининг камолоти.-Т.: Ўзбекистон, 1992.-136 б.

Ҳасаний Мажид, Усмонов И. Ойдин кунлар армони /Масъул муҳаррир К.Норматов.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-112 б.

Абдуллаева Я. Россия империяси ва Совет тузуми даврида хотин-қизларга муносабат ёки олиб борилган қатагонлик сиёсати ҳақида // Илм сарчашмалари.-2003 .-№4.-Б.39—41.

Абдуллаева Я. Топталган ҳуқуқ ёки мустабид тузум қатагонлари: /тарих сабоғи //Ҳаёт ва қонун.-2004.-№2.-Б.58—59.

Абдураззоқова Н. Табаррук дарсхона: [“Шаҳидлар хотираси” хиёбонидаги ўйлар. Қатагонга учраган ҳамюртларимиз ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-21 сент.

Айтматов Ч. Тоталитаризм қурбонлари “Чингизхоннинг оқ булут” қиссаси ана шу ҳақда: [Қатагон қилинган Абдулатиб Қуттибоев ҳақида] //Ватан.-1998.-14-20 авг.

Али Т., Улугзода Ш. Хотира уйғонса гўзалдир: [Фарғонадан Тошкент вилоятига “қулоқ” қилинган қишлоқ хўжалиги раҳбари Қирғизбой Абдувалиев ҳақида] //Маҳалла.-2002.-4 сент.

Алиев А. “Халқ душманлари” кимлар ва улар халққа қандай “душманлик” қилдилар: тарих ва тараққиёт //Тафаккур.-1997.-№3.-Б.52—59.

Алимова Д. Файзулла Хўжаев ва жаҳидчилик ёки “Муҳолиф зиёлилар тўдаси” ҳаракати қандай қилиб “миллий тараққиёт ҳаракати”-га айланди //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-1996.-7 июнь.

Алланиёзов Б., Ҳайитов Н. Қатагонлик сиёсатининг Қорақалпоғистондаги оқибатлари //Соғлом авлод.-2002.-22—28 авг.

Аминова Р., Жамол Ҳожи. Қулоқ қилинганлар қисмати //Мулоқот.-2001.-№4.-Б.25-70.

Аҳмад Саид. Нафосат оламининг заҳматкаши: [Қатагон қурбони Тўхтасин Жалолов ҳақида] //Ҳуррият.-2007.-11 июль.

Аҳмад Саид. Қалби санъаткор эди: [Қатагон даври қурбони Илҳомжон Иноғомов ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 2005.-15 июль.

Аҳмад Сирожиддин. Гўзалликка ошиқ зобит: [Ўзбек мусиқа санъатида сезиларли из қолдирган рус этнографи ва бастакори Успенский Виктор Александровичнинг қатагон йилларида кечган ҳаёти ҳақида] //Ўзбекистон адабиётти ва санъати.-2007.-24 авг.

Аҳмад Сирожиддин. Ўзбекистон-Ватаним маним: [Қатагон қурбонлари ҳақида] //Қадрият.-2005.-27 авг.

Аҳмад Сирожиддин. Қаям Ромазон армонлари //Шарқ юлдузи.-2005.-№1.-Б.125—137.

Ахророва Х. Бир оила тақдири...: [Қатагон қурбонларидан Мир-

муҳсин Шермуҳамедов ҳамда турмуш ўртоғи Раҳбарой Шермуҳамедовалар тақдири ҳақида] //Куч-адолатда.-2007.-29 авг.

Аҳророва Ҳ. Ота дийдорини қўмсаб: [Қатағон қурбони шоир Шокир Сулаймон ҳақида] //Саодат.-2006.-№6.-Б.6-7.

Аҳророва Ҳ. Улар беш оға-ини эди //Халқ сўзи.-2003.-20 июль.

Аҳророва Ҳ. Қисмат беомондир, тақдир бешафқат... //Хуррият.-2002.-27 февр.

Аҳророва Ҳ. Ҳаёт давом этади: [Қатағон қурбони профессор Ғози Олим Юнусов ва унинг оиласи қисмати ҳақида] //Соғлом авлод.-2002.-5 сент.

Аҳророва Ҳ. Ҳаёт давом этаётир //Халқ сўзи.-2005.-31 авг.

Бахш Эрпўлат. “Олтин мерос” жонкуяри: [31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни] //Ишонч.-2006.-25 авг.

Бердимуродов А. Қимматга тушган игво: [XIX асрда яшаб ўтган Абдумалик Баҳодир қисмати хусусида] //Даракчи.-2002.-24 янв.

Бюст ўрнатилди: [Бухорода таниқли давлат ва жамоат арбоби Ф.Ҳўжаевга бюст ўрнатилди] //Оила ва жамият.-1996.-№25.

Виктор Илюхин. Қатағон: Гдлян ва Ивановлар тўдасининг Ўзбекистонликларга қилган вахшийликлари //Шарқ юлдузи.-1993.-№9.-Б.41-64.

Воҳидова К. Исҳоқхон Ибрат: Ўтмиш лавҳалари //Фан ва турмуш.-1995.-№4.-Б.26-27.

Долимов Т. Илму маърифат сўнмайди: [Қатағон қурбонларидан бири Нўъмонбек Долимовни хотирлаб] //Миллий тикланиш.-2006.-25 янв.

Долимов У. Сир сақланган жиноят ёхуд Акбарбек Долимов қисматини нега яширдилар? [Биринчи ўзбек библиографи қатағон қурбони ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-14 авг.

Дўстқораев Б. Отажон Хошим: [Қатағон қурбони] //Халқ сўзи.-2005.-1 окт.

Ёрматов И. Улар яшаши керак эди //Кўзгу.-2000.-4 май.

Зарипов М. Ўзбек халқининг оташқалб фарзанди: [Файзулла Ҳўжаев ҳақида] //Саховат.-1996.-№3.-Б.17-19.

Зиё Д., Каромов И. Мушоҳада жасорат: [Файласуф олим, жамоат ва фан арбоби, қўлаб назарий-илмий, публицистик асарлар муаллифи Азимов Сулаймон ҳаёти ҳақида] //Ўзбекистон овози.-2002.-31 авг.

Зиёева Д. Бу кунларга етмаганлар бор: [31 август – Қатағон қурбонларини ёд этиш куни] //Миллий тикланиш.-2007.-29 авг.

Зиёева Д. Туркистон мустақиллиги учун кураш масалалари 20-30

йиллар талқинида тарих саҳифалари //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.-1998.-№1.-Б.67—73.

Исён: Фожа: [Хужжатли драма Қатағон қурбони Боис Қориев билан қамоқхона тергов хонасидаги тергов /Нашрга тайёрловчи Н.Каримов] //Маҳалла.-2002.-31 июнь.

Ишонхўжаева З. Маданий-маърифий муассасалар ходимларининг қатағон қилиниши Жамият ва бошқарув.-2007.-№3.-Б.46—48.

Йўлдошев У. Ўтганлар ёди: [31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни] //Хабар.-2008.-29 авг.

Йўлдошев Х. Халқ хотирасида: [31 август Қатағон қурбонларини ёд этиш куни] //Соғлом авлод учун.-2004.-№8.-Б.13.

Карим Баҳодир. Фахриддин Рожийнинг орзуси: [31 август — Қатағон қурбонларни ёд этиш куни] //Инсон ва қонун.-2003.-26 авг.

Карим Баҳодир. Қози Ҳайдарбекнинг айби нима эди? [31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни] //Инсон ва қонун.-2003.-26 авг.

Каримов Б. Муаллим Шакурий: [Қатағон қурбонларидан бири Абдуқодир Шакурий ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2001.-31 авг.

Каримов Н. Адолат — мустақилликнинг тамал тоши: [31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни] //Ҳуқуқ ва бурч.-2007.-№8—9.-Б.88—90.

Каримов Н. Бир тақдир тарихи: [1950-51 йиллар қатағонига учраган зиёлилардан бири Алимухамедов Абдурахмоннинг ўтмиш ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2007.-31 авг.

Каримов Н. Биринчи дипломли агроном: [Олмонияда таҳсил олган Абдувахоб Муродий ҳақида] //Қишлоқ ҳаёти.-2001.-22 июнь.

Каримов Н. “Инсон шундай бир юлдуз...”: [Қатағон даври қурбони Марям Султонмуродова ҳаёти ҳақида] //Миллий тикланиш.-2005.-26 авг.

Каримов Н. Исён: Фожа: Тақдирдаги тадбирлар //Тафаккур.-2002.-№3.-Б.58—75.

Каримов Н. Мен одам эдим-ку, инсон фарзанди: [Халқ комиссари Муҳиддин Турсунхўжаевнинг рафиқаси Зухра Турсунхўжаева қисмати] //Саодат.-2005.-№6.-Б.6—7.

Каримов Н. Меҳр ва эътиборга сазовор: [Қатағон қурбонларидан Сулаймон Ахмедов ҳаётидан лавҳалар] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2005.-26 авг.

Каримов Н. Саодатсиз кунлар: [Қўқон хони Худоёрхоннинг не-

вараси Аминова Саодат тақдири ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2002.-22 авг.

Каримов Н. Сизни унутмаймиз, азизлар //Тошкент оқшоми.-2004.-27 авг.

Каримов Н. Тухмат қурбони: [Арабшунос, имом, бинокор, қатагонлик қурбони Саидакбархўжа Бобохўжаев (1880) (1876-1997) қисмати ҳақида] //Хуррият.-2003.-27 авг.

Каримов Н. Улкан шоир тақдири 31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни: [Тавалло Тўлаган Хўжамияровнинг ҳаёти ҳақида] //Ўзбекистон соғлиқни сақлаш.-2005.-30 авг.

Каримов Н. Чил-чил синган тақдирлар //Санам.-2002.-№3.-Б.8—9.

Каримов Н. Шаҳидлар хотираси мангу: [31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни] //Тошкент оқшоми.-2006.-30 авг.

Каримов Н. Қизил салтанат қурбонлари: [31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни] //Халқ сўзи.-2005.-28 авг.

Лукин Б. Тириклар ва ўликлар: [Таниқли тарихчи, санъатшунос-лик назарийчиси, академик, профессор Федор Иванович Шмидт ҳаёти ва ижоди] //Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари.-2002.-№1.-Б.59-60.

Луқмонов В. Аждодлар хотираси — муқаддас: [31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни] //Маърифат.-2007.-1 сент.: Туркистон.-2007.-1 сент.

Мамажонов А. Жамоалаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилиш: [Қатагон] //Жамият ва бошқарув.-2004.-№1.-Б.25-28.

Матёкубов А. Сўнгги кеча: [Абдулҳамид Мажидийнинг НКВД ходимлари томонидан қандай олиб кетилгани ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2004.-30 июль.

Мангуликка муҳрланган хотира: [“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуидан репортаж] //Тошкент оқшоми.-2005.-1 сент.

Масъуд Расулий. Кишан киймаганлар қисмати: Империя қурбонлари //Ватан.-1995.-11-18 февр.

Маҳмудов М. “Шаҳиднома”: [Жиззах воқеалари 1866 йил] Истиқлол фидойилари //Жамият ва бошқарув.-2000.-№3.-Б.30—33.

Мирзаев Н. Инсон номи ўчмас, руҳи тирик //Фидокор.-2003.-26 авг.

Муқимов З. Ўлим машинаси: Собиқ СССРнинг “Қатагон” сиёсатига доир: Яқин тарихимизга (20-30-50-80 йиллар) бир назар //Қонун ҳимоясида.-2001.-№1.-Б.32-34.

Муқимов М. Аламли йилларнинг унсиз гувоҳи...: [Қатагон йиллари қурбони С.Р.Ализода ҳақида] //Халқ сўзи.-1996.-8 нояб.

Муҳаммад Юсуф. Мангу яшанг, Файзулло бобо!: [Ф.Хўжаев ҳақидаги “Файзулло бобо” қўшиғининг яратилиш тарихи хусусида] /Суҳбатдош Темур Убайдулло //Тошкент оқшоми.-1996.-24 май.

Муҳаммадиев А. Сургунда ўтган кунлар: Мозий //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-4 окт.

Назаров М. Ролзон яқинига қурилган дор ёхуд Дукчи Эшон ҳақида нима биласиз? //Ишонч.-2003.-30 май.

Назаров О. Жабр ва ситамлар даври: Мозийдан садолар //Фан ва турмуш.-2000.-№3.-Б.18.

Норжигитова Н. “Миллий истиқлол” яширин ташкилоти бўлганми? //Жамият ва бошқарув.-2002.-№4.-Б.64-66.

Норжигитова Н. “Катта террор” фожиалари: [Ўзбекистонда қатагон қилинган қурбонлар ҳақида] //Тафаккур.-2008.-№2.-Б.90-92.

Норкулов Н. Авлодлар эҳтироми: [31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кунига] //Соғлом авлод учун.-2001.-№8-9.-Б.10-11.

Носирова Ҳ. “Мен ўрганмаган мақом: [Ф.Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига] //Ўзбекистон овози.-1996.-29 июнь.

Олимжонов Ҳ. Доҳийлар ва иблислар: [ёки “Пахта иши” “Ўзбеклар иши” компаниясини ким бошлаб ким тугатгани, бу сўнгги қатагон миллат бошига қандай кулфатлар солгани тўғрисидаги эслоб] //Холис.-2007.-23 авг.; 30 авг.

Очилов Н. Мангуликка муҳрланган хотира: [31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кунига] //Қишлоқ ҳаёти.-2005.-1 сент.

Ражабов Қ. Истиқлол шаҳидлари ҳақида икки китоб: [Ёзувчи Шамсутдинов Рустамбекнинг “Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириши сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари, истиқлол йўлида шаҳид кетганлар номли китоблари ҳақида] /Китоблар оламида //Жаҳон адабиёти.-2003.-№4.-Б.177-180.

Ражабов Қ. Орзу ва армон: Империя қурбонлари: [Ф.Хўжаев ва унинг фаолияти ҳақида] //Ватан.-1996.-4-11 июль.

Ражабов Қ. Тарихни ўрганиш — тараққиёт пойдевори //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2008.-29 авг.

Раҳмон Искандар. Шаҳидларга қиламиз таъзим: [31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кунига бағишланган шеър] //Фидокор.-2004.-31 авг.

Раҳмонкулова А. Шўро тузумининг 30-50-йиллардаги қатагонлик сиёсати ва унинг усуллари //Ўзбекистон тарихи.-2000.-№1-2.-Б.96-101.

Салимжонов Н. Миллий давлатчилик масалалари Султонбек Хўжаев талқинида (1894-1938 й. 8 февраль қатағони қурбони) //Ҳуқуқ.-2003.-№2.-Б.71-74.

Сафаров А. Адолат тикланган онлар бу //Ватанпарвар.-2004.-1 сент.
Сафаров А. Руҳингиз шод бўлсин, Жилвон ўғлони: [Қатағон қурбони бухоролик озодлик ҳаракати курашчиси Ҳамро полвон Шодиев ҳақида] //Ватанпарвар.-2001.-28 июль.

Сафаров А. Файзулла Хўжаевнинг жабридийда онаси: [қатағон қурбони Райҳон ая қисматиға оид] //Ватанпарвар.-2003.-30 авг.

Сафоев Қ. Халқ дардини жойладим дилга: 50-йиллар қатағон қурбонларидан шоир Шукрулло Юсупов ҳақида //Ўзбекистон овози.-1994.-13 янв.

Содиқов Х. Долғали ҳаёт лавҳалари: [Файзулла Хўжаев ҳақида] //Саодат.-1996.-№3.-Б.6-7.

Содиқов Х., Шамсутдинов Р., Равшанов П. Дукчи эшон ўқилмаган саҳифалар //Туркистон.-2000.-11 март.

Турдиев А. Абдувоҳид қори қисмати: [Қатағон қурбони Абдувоҳид Қори Абдурауф Қориев ҳақида] //Миллий тикланиш.-2005.-24 июнь.

Турдиев Ш. Абдувоҳид Қори қисмати //Миллий тикланиш.-2006.-30 авг.

Турдиев Ш. Айбсиз “Айбдорлардан бири”: [Қатағон даври қурбони Марям Султонмуродова ҳақида] //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2005.-9 сент.

Турдиев Ш. Бир олимнинг қисмати: [Қатағон қурбони Раҳим Раҳмоновнинг ҳаёти ижоди ва аччиқ қисмати ҳақида] //Маърифат.-2004.-14 авг.

Турдиев Ш. Ижодкор ва олим эди: [Қатағон қурбони Элбек (Машриқ Юсупов) ҳақида] //Тошкент оқшоми.-2005.-30 авг.

Турдиев Ш. Маориф ва матбуот фидойиси: [Қатағон қурбонлар хотираси. Саидризо Ализоданинг ҳаёти, фаолияти ва фожиали қисмати ҳақида] //Маърифат.-2003.-7 май.

Турдиев Ш. Матбуотга бахшида умр //Халқ сўзи.-2004.-17 авг.

Турдиев Ш. Маърифат боғининг боғбонларидан эди: [Педагог Абдуқодир Шакурнинг ҳаёти ҳақида] //Қишлоқ ҳаёти.-2007.-3 авг.

Турдиев Ш. Тилшунос олим қисмати: [Сафо Зуфарий ҳақида] //Маърифат.-2004.-5 июнь.

Турдиев Ш. Фидойилик қурбони: [Пўлатов Қори Ёўлдош қисмати. Қатағон қурбони] //Шарқ юлдузи.-2007.-№5.-Б.151-155.

Турдиев Ш. Шераҳмедовлар: “Улар Германияда ўқиган эдилар” Хуррият.-2003.-22 авг.

Турдиев Ш. Ҳукм ўша кун ижро этилган эди: [Германияда таҳсил олган, 1938 й. 9 октябрда Тошкентда қатағон сифатида отиб

ташланган Насриддин Шераҳмедов ҳақида (1808-1938)] //Халқ сўзи.-2003.-31 авг.

Турсунов И., Узоқов Х. Тилшунос олим фожиалари: [Биринчи ўзбек тилшунос профессори, таржимон, фольклоршунос олим, ноҳақ қатагон қилинган Ғози Олим Юнусов ҳақида] //Шарқ юлдузи.-1992.-№1.-Б.203—206.

Убайдуллаев Ў. “Ботир гапчилар кимлар эди?”: [Истиқлол миллий озодлиги учун кураш олиб борган қатагон қурбонлари ҳақида (1920-30)] //Жамият ва бошқарув.-2003.-№3.-Б.52-54.

Убайдуллаев Ў. Қатагон қурбони: [Шамсиддин Бадриддинов ҳақида] //Фан ва турмуш.-2001.-№3.-Б.24.

Узоқов Х. Бир хил мазмундаги уч давр зулми: Қатагон даври муҳити ҳақида //Халқ таълими.-1996.-№2.-Б.66-72.

Улар мангу тирикдир: [31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни] //Тошкент ҳақиқати.-2007.-31 авг.

Улуғмуродов Д. Тарихий ҳужжатлар тақдими //Ўзбекистон овози.-2006.-28 дек.

Умирова М. Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар: [“Пахта иши” ва қатагон йиллари қурбонлари хотирасига бағишланган публицистик мақола] //Марказий Осиё маданияти.-2002.-31 авг.

Умматов Р. Жароҳат: [31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни] //Қишлоқ ҳаёти.-2005.-30 авг.

Усмонов И. Мен яшашни истайман: [Файзулла Хўжаев хотирасига бағишланади] //Туркистон.-1996.-13 апр.

Усмонов М. Юсак фазилатлар соҳиби: [Файзулла Хўжаев таваллудининг 100 йиллигига] //Қишлоқ ҳақиқати.-1996.-2 июль.

Фидойилар номи ўчмас: [Қатагон қурбонлари хотирасини эъзозлаш борасида қилинган хайрли ишлар] //Соғлом авлод учун.-2005.-№8-Б.4-6.

Халқ қаҳрамони, халқ хотираси олдида доимо бош эгамиз //Куч адолатда.-2007.-29 авг.

Холмуродов А. Ёдимиз — ҳаётимиз: Теран илдизимиз //Фан ва турмуш.-2001.-№4.-Б.31.

Худоёров Н. “Савой” меҳнат посёлкасидаги “қулоқ”лар //Жамият ва бошқарув.-2003.-№3.-Б.55-56.

Хўжаев Ф. Халққа хизмат қилиш — энг олий бахт //Ватан.-1996.-29 май.

Шамсутдинов Р. Авлодлар хотирасида: [31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни] //Миллий тикланиш.-2004.-28 авг.

Шамсутдинов Р. Мудҳиш кунлар эди //Қишлоқ ҳаёти.-2006.-22 авг.

Шамсутдинов Р. Мудҳиш ҳукмлар, фожиали тақдирлар: [Қатагон қурбонлари] //Жамият ва бошқарув.-2003.-№2.-Б.31—32.

Шамсутдинов Р. Қатагон қурбонлари: Ўзбекистонда зўравонлик билан ўтказилган коллективлаштириш ва қулоққа тортилганлар ҳақида //Гулистон.-2007.-№3.-Б.10—13.

Шамсутдинов Р. “Қулоқ”лар сургуни: [Қатагон қурбонлари] //Жамият ва бошқарув.-2002.-№4.-Б.29—31.

Шамсутдинов Р., Абдуллаев М. Жангчи ўзбек “қулоқлари”: Мо-зийдан садо //Фан ва турмуш.-2000.-№6.-Б.28—29.

Шамсутдинов Р., Абдуллаев М. Украинадаги ўзбек “қулоқлари” //Фан ва турмуш.-1989.-№5-6.-Б.24-25—30.

Шамсутдинов Р., Абдуллаев М. Ўзбек “қулоқлари” кимлар эди? //Фан ва турмуш.-2000.-№1.-Б.20-21; №2.-Б.22—23.

Шамсутдинов Р. Ёднома: Охирати обод шаҳидлар //Фан ва турмуш.-2001.-№1.-Б.20—21.

Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Жангоҳларда ҳалок бўлган “қулоқлар” //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2005.-29 апр.

Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Тарихнинг аламли саҳифалари ёхуд бошқа юртларга бадарға қилинган ҳамюртларимиз тақдири хусусида //Ўзбекистон адабиёти ва санъати.-2005.-14 янв.

Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошларимиз ҳаёти: [Қатагон қурбонлари] //Жамият ва бошқарув.-2004.-№4-5.-Б.21—23.

Шамсуудинов Р., Расулов Б. “Қулоқ”ликка маҳкум этилган деҳқонлар //Гулистон.-2006.-№4.-Б.8—10.

Шарафиддинов О. Мангулик шуъласи: Шаҳидлар майдонидаги ўйлар //Қишлоқ ҳаёти.-2002.-31 авг.; 3 сент.; 10—13 сент.

Энг олий бахт: [Давлат ва жамоат арбоби, ўзбек халқининг асл фарзанди Ф.Хўжаев таваллудининг 100 йилигини нишонлаш ҳақида] /Дилшод Исмоил ўғли ёзиб олган //Тошкент оқшоми.-1996.-22 май.

Эргашева Ю. Тарихимизнинг фожиали саҳифалари //Мулоқот.-2002.-№4.-Б.22—23.

Қалблардаги ҳурмат ва эҳтиром туйғуси абадий: [31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш кунига] //Мактабгача таълим.-2001.-№7-8.-Б.4.

Қатагон анатомияси: [Қатагон тарихига оид] //Куч-адолатда.-2002.-4 сент.

Қатагон қурбонлари хотираси музейи //Ўзбекистон Республика-

си Фанлар академияси /Таҳрир ҳайъати В.Йўлдошев (таҳрир ҳайъати раиси) С.Лутфуллаев ва бошқ.-Т.: Фан, 2003.-Б.119-120.

“Қатағон қурбонлари хотираси” музейи //Ўзбекистон миллий энциклопедияси 10 жилд. Шарқ-Қизилқум /Таҳрир ҳайъати А.Азизхўжаев, Б.Аминов, М.Аминов ва бошқ.-Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2005.-Б.615.

Қодирова А. Унутмас мени боғим: [31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни] //Ишонч.-2005.-27 авг.

Қултўраева О. Ҳаётсевар эди: [Ф.Хўжаев таваллудининг 100 йиллиги олдида] //Халқ сўзи.-1996.-28 март.

Ҳасанов Б. Фидойи аждодларга муносиб эҳтиром: [31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш куни] //Халқ сўзи.-2008.-21 авг.

МУНДАРИЖА

Қатагон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида....	3
МуҚаддима.....	5
Аждодлар хотираси — муқаддас.....	6
Қатагон қурбонлари ҳақида.....	10
Президент Ислом Каримовнинг	
Қатагон қурбонлари ҳақида айтганлари.....	11
“Шаҳидлар хотираси” ёдгорлиги ва қатагон	
қурбонлари ҳақида.....	13
Юрак қони билан битилган сатрлар.....	15
Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор... ..	16
“Қулоқлар”нинг она юртига қайтиши.....	19
Қатагонга учраганлар сўзларидан.....	21
“Истиқлол йўлида шаҳид кетганларни биласизми?”	
мавзусида билимдонлар беллашувини ташкил қилиш учун	
тавсиялар.....	22
“Шаҳидлар руҳи барҳаёт” номли китоб кўргазмасини	
ташкил этиш учун материаллар.....	27
Адабиётлар.....	31

УЛАРДАН ЭЗГУЛИК ҚОЛДИ

Методик-библиографик қўлланма

Босишга 09. 03. 2009 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 5,5 б. т. Нусхаси 300.
Буюртма №

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси босмахонаси.
Тошкент, Истиқлол кўчаси, 33.